

Ҳакимов Комил

Тошкент давлат юридик
университети ўқитувчиси
E-mail: komil1986@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-10-7>

АФФЕКТ (КУЧЛИ РУҲИЙ ҲАЯЖОНЛАНИШ) ҲОЛАТИДА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Аннотация: мазкур мақолада аффект ҳолатида жиноят содир этганлик учун жавобгарлик, ЖКнинг 98- ва 106-моддаларида назарда тутилган жиноятларни квалификация қилиш масалалари, асосий йўналишлари таҳлил қилинган.

Ўтказилган таҳлиллар натижасида Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: аффект, аффект ҳолати, жиноят ҳуқуқи.

Ҳакимов Комил

Преподаватель Ташкентского
государственного юридического университета
E-mail: komil1986@mail.ru

“ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА ПРЕСТУПЛЕНИЕ, СОВЕРШЕННОЕ В СОСТОЯНИИ АФФЕКТА (СИЛЬНОГО ДУШЕВНОГО ВОЛНЕНИЯ)”

Аннотация: В статье проанализированы основные подходы к проблемным вопросам квалификации аффективных преступлений по ст. 98 и 106 УК Республики Узбекистан. В результате проведенного анализа даны конкретные предложения по совершенствованию уголовного законодательства Республики Узбекистан.

Ключевые слова: аффект, аффектное состояние, уголовное право.

Khakimov Komil

Lecturer of the Tashkent State University of Law
E-mail: komil1986@mail.ru

RESPONSIBILITY FOR CRIMES COMMITTED IN THE AFFECT (THE HEAT OF PASSION)

Annotation: This article analyzes the main principles in understanding issues of classification of affective crimes in accordance with articles 98 and 106 of Criminal code of the Republic of Uzbekistan. The analysis provides specific suggestions for improving the criminal law of the Republic of Uzbekistan.

Key words: affect, heat of passion, criminal law.

For citation: Komil Khakimov. RESPONSIBILITY FOR CRIMES COMMITTED IN THE AFFECT (THE HEAT OF PASSION). Journal of Law Research. 2018, 10 vol., issue 1, pp. 34-37

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларини белгилаб берган 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг тарихий аҳамиятга эга бўлган босқичи бўлди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, жиноят қонунчилигини либераллаштириш ва айбдорга адолатли жазо тайинлашда мавжуд жиноят қонуни нормаларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда уларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ муаммоларни ечиш борасида таклифлар билдириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида аффект (кучли руҳий ҳаяжонланиш) ҳолатида содир этиладиган жиноятлар икки таркибда назарда тутилган бўлиб, булар Жиноят кодекси 98-модаси (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш) ва 106-модаси (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш)да назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишлардир.

Аксарият жиноят ишлари бўйича суд-психологик экспертизасини ўтказилмасдан шахснинг жиноят содир этилган вақтдаги хулқ-атворини кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилмаган, деб топилаётганлиги амалиётда мазкур тоифадаги жиноятларни нотўғри квалификация қилинишига олиб келмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан 2014-2017 йиллар ва 2018 йилнинг 9 ойида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган жиноятларнинг (ЖК 98-,106-моддалар) сони статистик таҳлил қилинганида ушбу жиноятларнинг умумий жиноятчилик сонига нисбати жуда кам эканлиги аниқланди. Хусусан, республика бўйича 2014 йилда 7та, 2015 йилда 10 та, 2016 йилда 10 та, 2017 йилда 12 та, 2018 йилнинг 9 ойи давомида 5 та иш кўрилиб, жами 47 нафар шахсга нисбатан ЖК 98-,106-моддалари билан жиноят иши кўзгатилган. Суд томонидан ҳукм чиқарилганларнинг 38 эркаклар, 7 нафари аёллар, 1 нафари вояга етмаган шахслар ва 1 нафари 60 ёшдан ошган шахсни ташкил қилади.

Юқорида айбдор деб топилган 47 нафар шахснинг 19 нафарига нисбатан жазо тайинланиб ҳукм чиқарилган, шундан 12 нафарига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган [1].

Ушбу жиноятларни содир этган шахсларнинг катта қисми етарли даражада таълим ва паст даражадаги маданиятли шахсларни ташкил этганлиги ҳам диққатга сазовор. Таҳлил қилинган жиноятларни содир этган айбдорларнинг 20,1% умумий таълим босқичини, ўрта-махсус маълумотлилар эса 77,6%, олий маълумотлилар эса 2,9% ташкил этади.

Аффект ҳолатида содир этилган жиноятларнинг тўғри квалификация қилишда жиноят таркибининг барча элементларини ҳар томонлама таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда айниқса жиноят объектив томони белгилари ўзининг хусусиятлари ва бошқа жиноятлардан фарқлашга хизмат қилувчи белгилари билан ажралиб туради.

Аффект ҳолатида содир этиладиган жиноятлар қоида тариқасида моддий таркибли жиноятлар тоифасига киради. Бошқача қилиб айтганда, аффект ҳолатида шахс ҳаётига ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятлар объектив томондан учта зарурий белгиларни ўз ичига қамраб олади, хусусан, ижтимоий хавфли қилмиш, инсон ўлими ёки унинг соғлиғига оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш шаклидаги

ижтимоий хавфли оқибат ва бу ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг оқибати ўртасидаги сабабий боғланиш.

ЖК 98-, 106-моддаларида назарда тутилган жиноятнинг ўзига хос жиҳати ушбу жиноятларни аниқ бир жабрланувчининг ҳулқ-атвори ёки ҳаракатларига нисбатан жавоб реакцияси натижасида содир этилишидир. Бундан кўриниб турибдики, ушбу жиноятлар қилмишни ҳаракат шаклида содир этилади.

Бу борада суд амалиётига мурожаат қилсак. "2000 йил 25 июн куни А. кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида газ плитасида қайнаб турган чойнакни олиб қайнотаси Б.га улоқтиради. Бунинг натижасида қайнотасининг бадани 2-3 даражали қуйиб 2000 йил 11 июлда касалхонада вафот этади.

Тергов ва суд жараёнидан маълум бўлганки, жабрланувчи Б. Мунтазам равишда келинини ўз эрига, яъни ўглига хиёнат қилишида шубҳаланиб, унинг орқасидан пойлаб юрган. Унинг шубҳалари асоссиз бўлгани учун улар ўртасида доимий равишда жанжал чиққан. А. шу пайтлари ҳомиладор бўлган, 2000 йил 25 июн куни қайнотаси Б. уни ҳақоратлаб, урмоқчи бўлади. Натижада 2000 йил 25 июн куни А. кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида газ плитасида қайнаб турган чойнакни олиб қайнотаси Б.га улоқтиради. Кўрсатма берган А.нинг дугонаси И. нинг сўзларига кўра А. бир неча мартаба йиғлаб қайнотасининг уни хиёнат қилишида айблаётгани, бундан тоқати тоқ бўлганини айтган. Шуларнинг натижасида А.нинг қилмишини жабрланувчининг оғир ҳақоратлаши ва мунтазам равишда тўпланган руҳий бузилишлар натижасида тўсатдан вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган, деб топилган". [2]

Кўриниб турибдики, аффект (кучли руҳий ҳаяжонланиш) ҳолатида содир этиладиган жиноятларда шахснинг индивидуал-психологик тавсифи ва жабрланувчи томонидан содир этиладиган виктим ҳулқ-атворнинг ўзига хос жиҳатлари қилмишни квалификация қилишга жиддий таъсир кўрсатади.

Таҳлил қилинаётган жиноятда объектив томонинг энг муҳим белгиларидан бири сифатида сабабий боғланиш намоён бўлади. Аффект ҳолатида содир этиладиган жиноятларда сабабий боғланишни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда, энг аввало, айбдорнинг жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилиш ёки уни соғлиғига зарар етказишга қаратилган ҳаракатлари жабрланувчининг жиноят қонуни нормасида назарда тутилган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) билан ҳамда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати билан барча вазиятларда сабабий боғланишга эга бўлиши талаб қилинади.

Аффект ҳолатидаги жиноятларда сабабий боғланиш икки шаклда намоён бўлади:

Биринчидан, аффектлашган реакция ва унинг асосида содир этиладиган ҳаракатлар ҳеч бўлмаганда ЖК 98-, 106-моддаларида назарда тутилган жабрланувчининг бирор бир гайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида содир этилган ҳамда ўзаро боғланган бўлиши лозим.

Иккинчидан, жабрланувчига айбдор томонидан етказилаётган ўлим, оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш айнан айбдорнинг аффект ҳолатида содир этган ижтимоий хавфли қилмиши натижасида юз берган бўлиши даркор. Бошқа руҳий бузилишлар (руҳий зўриқиш, фрустрация ва шунга ўхшаш ҳолатлар) натижасида етказилган зарар аффект ҳолатида етказилган зарар тариқасида баҳоланмаслиги лозим.

Қонун чиқарувчи айбдор ижтимоий хавфли қилмишини жавобгарлик ва жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиш нуқтаи назаридан ЖК 98-, 106-

моддалари диспозициясида айнан жабрланувчининг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларига алоҳида ургу беради.

Бу ўринда жабрланувчининг гайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, биринчи, аффектни вужудга келишини асосли эканлигини ва иккинчи, у аффект ҳолатини вужудга келтиришга қодир бўлиши лозимлигини унутмаслик лозим. Ушбу нисбий ўлчовни баҳолашда бугунги кунда суд-тергов органлари қийинчиликларга учраётгани табиий. Мазкур ҳолатда ҳар томонлама жабрланувчининг гайриқонуний ҳаракатлари ва айбдорни жавоб реакциясини батафсил таққослаб таҳлил қилиш ҳамда энг муҳими ушбу ҳолатни тўғри баҳолай билиш керак. Шу боис, ҳар бир алоҳида ҳолатларда мазкур тоифадаги жиноятларни тўғри баҳолаш учун суд-психологик экспертиза тайинланиши лозим.

ЖК 98-, 106-моддалари объектив томони белгилари хусусида олиб борилган тадқиқот ва таҳлиллар натижасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим:

Биринчидан, бизнингча, жабрланувчининг жиноят содир этишга ундовчи "қўзгатувчи ҳулқ-атвори" қуйидаги зарурий шартларга жавоб бериши лозим: биринчидан, қўзгатувчи ҳулқ-атвор нафақат ҳаракатларда ифодаланиши, балки сўзлар ёрдамида ҳам ифодаланиши мумкин; иккинчидан, қўзгатувчи ҳулқ-атвор шу даражада жиддий бўлиши лозимки, буни натижасида ҳар қандай шахс ўзини бошқариш қобилиятини йўқотиши лозим; учинчидан, қўзгатувчи ҳулқ-атворга нисбатан айбдорнинг жавоб реакцияси ҳам унга мос равишда бўлиши лозим. Масалан, қўл зарбаси билан берилган жароҳатга нисбатан қўл зарбаси билан жавоб берилиши лозим, аксинча ўлимга олиб келувчи қурол билан жароҳат етказиш билан эмас.

Иккинчидан, тадқиқотлар натижасида шунга амин бўлдикки, гарчи ЖК 98-, 106-моддалари инсон ҳаёти ва соғлиғига турли даражада зарар етказишга қаратилган бўлсада, ушбу моддалардаги аффект ҳолатини вужудга келтирувчи ҳолатларда айрим фарқли жиҳатлар мавжуд.

Хусусан, ЖК 106-моддаси диспозициясида келтирилган "айбдорнинг ёки унинг яқин кишининг ўлимига ёки соғлиғига зиён етказилишига сабаб бўлган ёхуд сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа гайриқонуний ҳаракатлар" белгиси ЖК 98-моддасида умуман назарда тутилмаган. Шуни инобатга олган ҳолда, ЖК 98-, 106-моддаларига аффект (кучли руҳий ҳаяжонланиш) ҳолатини вужудга келтирувчи омиллар ва талабларни бирхиллаштиришга қаратилган тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Учинчидан, Жиноят кодекси 98-, 106-моддаларида назарда тутилган жабрланувчи томонидан содир этиладиган гайриқонуний зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқа гайриқонуний ҳаракатлар тушунчаларини тушуниш борасида амалиётчи ва назарий олимлар ўртасида ягона ёндашув мавжуд эмаслиги ҳамда ушбу тушунчаларни турлича талқин қилинаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарори билан мазкур тушунчаларга тушунтириш бериши мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018 йил 26 ноябрдаги 07/18-280-сон хати (The letter of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan from November 26, 2018 of № 07/18-280).

2. Қашқадарё вилояти судининг архив материалларидан. 2002 йил. 325\217 рақамли жиноят иши (From the archives of the Kashkadarya regional court. 2002. Criminal case number 325\217).